

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 6 » октябрь 20 18 у.

№ 807

Toshkent sh.

**Солиқ маъмуриятчилигига замонавий ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллашни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳри, Навоий ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида 2018 йил 15 октябрдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электрон ҳисобварак-фактураларни мажбурий тартибда расмийлаштиришни жорий этиш бўйича эксперимент (кейинги ўринларда эксперимент деб аталади) ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Эксперимент доирасида электрон ҳисобварак-фактуралар товар-транспорт юкхатлари ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномалар вазифаларини мужассамлаштиради;

Эксперимент ўтказиши даврида хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобварак-фактуралар, товар-транспорт юкхатлари ва товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни электрон шаклда тақдим этиш билан бир вақтда қоғоз шаклида тузиш хуқуқи берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг эксперти хулосасини олган ташкилотларга – электрон хужжат алмашиб операторларига қонунчиликда белгиланган тартибда электрон ҳисобварак-фактураларни электрон айланиши ва сақланишини таъминлаш бўйича хизматларни амалга ошириш хуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

Эксперимент доирасида электрон ҳисобварак-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритишнинг вақтинчалик тартибини бир ҳафта мuddатда тасдиқласин;

Ўтказилган эксперимент натижалари бўйича электрон ҳисобварак-фактураларни расмийлаштириш тартибини республика ҳудудида жорий этиш юзасидан таклифларни, шунингдек, Жаҳон банки ва Россия Федерацияси Федерал солиқ хизматининг техник кўмаги доирасида солиқ маъмуриятчилиги бизнес жараёнларини шакллантириш асосида давлат солиқ хизмати органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказининг ҳисоблаш қувватини кенгайтириш чора-тадбирлари дастурини 2019 йил 1 февралга қадар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – молия вазири Ж.А. Кўчкоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов